

O'ZBEKISTON



OVOZI

IJTIMOY-
SIYOSIY
GAZETA

■ 2004-YIL ■ 23-OKTYABR ■ SHANBA ■ 126 (27.301) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqqa boshlagan.

ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ —

ЎЗБЕКИСТОНДА КУЧЛИ ҲУҚУҚИЙ ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ, ИНСОНПАРВАР, АДОЛАТЛИ ЖАМИЯТ ҚУРИШНИНГ ИЗЧИЛ ТАРАФДОРИДИР

ОРОЛ БЎЙИДА ҚЎШ ЗАФАР

21 октябрь куни мамлакатимизнинг Оролбўйи ҳудудлари — Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидан қўш хушхабар келди: эл-юртимизнинг катта пахта хирмониға қорақалпоғистонликлар — 176 минг тонна, хоразмликлар — 275 минг тонна юқори навали хомашё тўқдилар.

Республикамиз Президенти Ислам Каримов ҳар иккала ҳудуд пахтакорларига эришган катта меҳнат зафарлари билан табрик йўллаб, уларга бундан буён ҳам Ватан равнақи ва халқ фаровонлигини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшишларида муваффақиятлар тилади. Давлатимиз раҳбари бугунги галабалар мазкур юрт деҳқонлари ҳар қандай қийин шароитда ҳам ўз маҳорат ва жасоратини намойиш этиб, ҳеч қимдан кам бўлмаган натижаларга эришишга қодирлигини ҳамisha исботлай олишини алоҳида таъкидлади.

ТУПРОҚНИ АРДОҚЛАГАН ХАЛҚ

2000-2001 йиллар юз берган курғоқчилик мамлакатимизнинг шимол-ғарбий туманларига катта иқтисодий зарар келтирди. Бу зарар асорати 2002-2003 йилларда ҳам сезилиб турди. Мана, нихоят 2004 йилда «жароҳат» даво» топди: қорақалпоғистонликлар қийинчиликларни мардона энгиб, сўнгги йиллар қоқлиғига барҳам бердилар. Она-Ватан республика зарарносларидан 176 минг тонна сара «оқ олтин» қабул қилиб олди.

Марраға биринчи бўлиб, Қораўзақ тумани пахтакорлари этиб келишди. Режадаги 3400 тонна ўрнига 5400 тонналик хирмон яратиб, зиммаларига олган мажбуриятларини ҳам ошириб бажаришди. Ҳар гектар майдондан олинган ҳосил туман бўйича 30 центнерни ташкил этди. «Маданият» ширкат хўжалиги, «Шумак», «Байтерак», «Жамғирниёз ота», «Есет даупт», «Татлимурод ота» каби фермер хўжалиқларида шартномавий режалар 160-200 фоиз адо этилди.

Қўнғирот, Қанлиқул, Тахтақўпир, Кегайли, Чимбой сингари туманлардан ҳам бундай мисолларни қўлаб келтириш мумкин. Мана, Амударё тумани олин: у — Қорақалпоғистон-

да энг кўп пахта берадиган ҳудудлардан бири. Шартномавий режаси — 33 минг тонна эди. Хирмон салмоғи эса 35 минг тоннадан кўпроқ бўлди!

— Уни етиштириш учун 6 миллиард 395 миллион 776 минг сўм маблағ сарфладик, даромад эса — 8 миллиард 6 миллион 618 минг сўмни ташкил этди. — ҳўқса қилади туман ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Ражаббой Йўлдошев. — Соф фойда 2 миллиард 670 миллион 852 минг сўм бўлди. Йигим-терим даврида теримчиларга иш ҳақи сифатида 1 миллиард 188 миллион сўм нақд пул тарқатилди. Етиштирилган ҳосилнинг 75 фоизи биринчи навга сотилди...

Фарход ЭРМАТОВ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг қишлоқ ва сув хўжалиги котибияти бошлиғи:

— Президентимиз йўллаган табрикда айтилганидек, Қорақалпоқ ҳудуди аҳолиси ўз юртига содиқ ва она туپроғини ардоқлаб келаётган чинакам ватанпарвар халқ. Улар шу кунларда машаққатли меҳнат эвазига етиштирилган хомашёнинг сўнгги мисқолларига чераиб олиб, келгуси йил ҳосили таралдини ҳам бошлаб юборишди.

Реймбой ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири



Хивалик уста пахтакор, Ўзбекистон Қаҳрамони Бектурди Жуманиёзов. Рўзмаъ ЮМАНИЁЗОВ (Ўза) олган сурат.

ЧЎНГ ХИРМОННИНГ УЧ ОМИЛИ:

ЮКСАК АГРОТЕХНИКА, МОДДИЙ-МАЪНАВИЙ РАҒБАТ ВА САРА УРУҒ, ДЕҒДИ ХОРАЗМ ВИЛОЯТ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ БОШҚАРМСИ БОШЛИҒИ УҚТАМ МАШАРИПОВ.

— Вилоятимиз пахтакорлари эрта кўкламданоқ дала ишларини уюшқоқлик билан бошлашди. Оби-тобига келган экин майдонлари сувдан, ўғитдан, техника воситалари эса ёнилги-мойлаш материалларидан тақчиллик сезмади.

3-бем

ЎзХДП САЙЛОВДИ ПЛАТФОРМАСИГА ТАКЛИФЛАР МУҲИМИ — ХАЛҚ ИШОНЧИ

Мамлакатимиз ҳаётида ечимини кутаётган муаммолар талайгина. Ўзбекистон Халқ демократик партияси инсон, халқ, Ватан манфаатларига хизмат қилар экан, аввало, уларнинг дарди ва ташвишларини, муаммоларини ҳал этиш тўғрисида фаол қайғуриши керак.

Қишлоқ жойларида ишчи кучи кўп. Ҳар йили мактабларни минглаб йигит-қизлар тамомламоқда. Бироқ, уларни иш билан таъминлаш масаласида муаммолар оз эмас. Айримлар, тирикчилик юзасидан бошқа давлатларга иш излаб кетмоқда. Энг ёмони, давлат муассасалари орқали эмас, тўғридан-тўғри, дуч келган ишни бажариш учун кетишяпти. Бунга қанча беларво қарасак, муаммо шунча ошади.

Партияимизнинг сайловди платформасидан ана шу муаммолар ечимига оид аниқ таклифлар ўрин олиши шарт. Шунда халқнинг партияга бўлган ишончи яна ортади.

Равайнбек ИБРОҒИМОВ, Ўзбекистон ХДП Риштон туман Кенгаши биринчи котиби



БИЗНИНГ ОВОЗИМИЗ — ОЗОД ВА ОБОД

ВАТАНИМИЗНИНГ БУТУНИ, ЭРТАСИ ВА КЕЛАЖИНИ БЕЛГИЛАЙДИ

Диққат: сайлов яқин!

СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАР

ТОБОРА ҚИЗҒИН ТУС ОЛМОҚДА

Мамлакатимизда бўладиган сайловга тайёрларлик жараёнида бир қатор муҳим тадбирлар амалга оширилди. Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қўнғичлик палатаси депутатлари сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларини тузиш тўғрисида қарор қабул қилди. Округ сайлов комиссияси комиссия раиси, раис ўринбосари, котиби ва камидо олти нафар бошқа аъзосидан иборат таркибда тузилди. Марказий сайлов комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қўнғичлик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг шахсий таркибини тасдиқлаш тўғрисидаги қарори, шунингдек округ комиссияларининг жойлашган манзили ва телефон рақамлари маҳаллий матбуотда эълон қилинди.

Ҳозирда округ сайлов комиссиялари ўз зиммаларига юклаган вазифаларни амалга оширмоқдалар. Булар қаторига асосий тадбирлардан бири — сайлов участкаларини тузиш кирди. Сайлов участкаларини тузишда асосий эътибор сайловчиларга овоз бериш учун қўлай шарт-шароитлар яратилишга қаратилди. Сайлов участкалари камидо 20 ва кўпи билан 3000 нафар сайловчилдан иборат этиб тузилди.

Марказий сайлов комиссияси мамлакатимизда фаолият қўрсаётган беш сиёсий партиянинг Олий Мажлиси қўнғичлик палатаси депутатлари сайловида иштирок этишига ижозат бериш тўғрисида қарорлар қабул қилди.

Шу билан бирга «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси» Қўнғичлик 23-моддасига асосан сайлаш ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир фуқаро ёки фуқаролар гуруҳи депутатликка номзод қўрсатиш учун тегишли сайлов округининг камидо уч юз нафар сайловчисидан иборат сайловчилар ташаббускор гуруҳини тузиши мумкин. Сайловчилар ташаббускор гуруҳининг ваколатли вакили гуруҳни рўйхатта олишни сўраб, тегишли округ сайлов комиссиясига ариза билан муурожаат этиди ва унга керакли ҳужжатлар илова қилинади. Ҳозирги пайтда бу жараён ҳам давом этаётми. Тегишли сайлов округларидан рўйхатдан ўтган сайловчилар ташаббускор гуруҳлари Олий Мажлиси Қўнғичлик палатасига депутатликка номзод қўрса-ватловчи имзоларини тўплашга киришдилар.

Сайловга тайёрларлик қўриш ва уни ўтказишда округ сайлов комиссиялари зиммасига масъулиятли вазифалар юклатилди. Шуларни ҳисобга олиб кеча Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қўнғичлик палатасига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг фаолиятини ташкил этиш бўйича республика семинари бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Раиси Бўришош Мустафоев Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қўнғичлик палатасига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг вазифаларни тўғрисида батафсил тўхталди.

2-бем

Ўзбекистон ХДП IV қурултоғи олдидан

ЮЗИМИЗ ЁРУҒ, ЙЎЛИМИЗ РАВОН БЎЛСИН

ДЕЙДИ ХДП МАРКАЗИЙ ТАФТИШ КОМИССИЯСИ РАИСИ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ДЕПУТАТИ, ЎзХДП ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ БИРИНЧИ КОТИБИ СИРОЖИДДИН АЪЗАМОВ



— Сирожиддин Ҳидоят-вич, келинг, суҳбатимизни ЎзХДПнинг навбатдаги IV қурултоғига таралду, ХДП Марказий Тафтиш комиссиясининг фаолиятдан бошласак.

— ЎзХДПнинг юқори органи ҳисобланмиш — партия қурултоғини чақириш ноябрь ойининг биринчи ўн кунлиғига мўлжалланмоқда. Унда ўтган давр мобайнида бажарилган ишлар таҳлил қилиниб, қурултоғи делегатларига ҳисобот берилади. Шу билан бирга, партиянинг Устави ва сайловди платформаси қабул қилинади, Олий Мажлисининг Қўнғичлик палатасига номзодлар аниқланади ҳамда партия ҳаётига доир бир қатор бошқа масалалар муҳокама этилади.

IV қурултоғи кун тартибига Марказий Тафтиш комиссиясининг ўтган беш йиллик фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи ҳам киритилган. Аввало шунинг таҳлил қилиниб, комиссия ўз фаолиятининг устувор йўналиши тарихида Қорақалпоғистон республикаси, вилоят, туман ва шаҳар партия ташкилотларининг партия бюджетини ижросини таъминлаш, уларнинг молиявий-ҳўжалик фаолиятини яхшилашга алоҳида эътибор қаратди. Комиссия аъзолари Жиззах, Навоий, Тошкент, Самарқанд, Сирдарё, Фарғона ва бир қатор бошқа вилоят кенгашларидаги ички партиявий интизом, молиявий-ҳўжалик фаолиятини ўрганиб, уларга амулий ёрдам қўрсатиб келди. Шунингдек, партия ташкилотларининг ХДП аъзоларидан аъзолик бадалларини йиғиш ва партия бюджетини тўлдириш, барқарор молиявий аҳволни юзага кел-

тиришда ҳам яхши натижаларга эришилди. Аъзолик бадаллари тушуми йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Ҳозирги кунда партия ташкилотларида бадаллар тушумининг доимийлиги кузатишда. Бухоро, Қашқадарё, Навоий, Тошкент, Хоразм вилояти ва Тошкент шаҳар партия ташкилотлари шулар сирасига кириди. Молиявий аҳвол барқарор бўлган кенгашларда ички партиявий ишлар ҳам, муаммолар ечимини ҳам талаб даражасида кечади.

2-бем

Истиқлол неъматлари

ХУДУДИЙ РИВОЖЛАНИШ

АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАР ВА ЙЎНАЛИШЛАР

Мамлакатимизда Президент Ислам Каримов томонидан минтақалар иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш йўлларининг асосий тамойиллари шлоб чиқилди ва изчил амалга оширилмоқда. Истиқлол йилларида барча минтақаларнинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт даражаси кўтарилди. Шаҳар ва қишлоқлар қиёфаси тубдан ўзгарди.

Ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий вазият доимо давлатимиз раҳбари диққат-эътиборида турибди. Чунки юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг яқиний натижаси вилоят, туман, шаҳар ва қишлоқлар қиёфасида тўла намойиш бўлади.

Айрим вилоятларда (шу жумладан, яқинда Фарғонада) бўлиб ўтган халқ

депутатлари вилоят Кенгашларининг навбатдан ташқари сессияларида Президентимиз минтақаларда амалга оширилаётган ишларга ҳолисона баҳо берди. Мавжуд муаммолар, кўзга ташланаётган айрим салбий жараёнлар таҳлил қилиниб, уларни бартараф этиш ва ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос салоҳиятидан оқилона фойдаланиш йўллари кўрсатиб ўтилди.

Мазкур мақолада мамлакатимиз минтақалари иқтисодий- ижтимоий ривожланишида содир бўлаётган ўзгаришларнинг муайян қирралари таҳлил этилиб, эришилаётган ютуқларимизнинг маънун-моҳияти очиб берилишига ҳаракат қилинган.

2-бем

САЙЛОВЛАР ТЎҒРИСИДА САВОЛИНГИЗ БОРМИ?

Бугунги саволга юридик фанлари доктори Йўлдош ЖҰРАЕВ жавоб беради.

— Сайлов ҳуқуқи деган ибора кўп ишлатилади. Сайлов ҳуқуқи нима?

Абдулла БЕКЖОНОВ, мактаб ўқувчиси, Андижон вилояти

— Сайлов ҳуқуқи иккига бўлинади. Актив сайлов ҳуқуқи ва пасив сайлов ҳуқуқи.

Актив сайлов ҳуқуқи сайлаш ҳуқуқини билдиради. Маълум ёшга етган (18 ёшга тўлган), муомалага лаёқатли фуқаролар сайлаш ҳуқуқига эга бўладилар. Муомалага лаёқатсиз деб топилганлар сайлаш ҳуқуқидан фойдаланмайди. Озодликдан маҳрум этилганлар эса сайлов жараёнида иштирок этмайдилар.

Пассив сайлов ҳуқуқи эса сайланиш ҳуқуқини билдиради. У маълум ёшга етган, муомалага лаёқатли фуқароларга тааллуқли. 21 ёшга тўлган фуқаролар халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига, 25 ёшга тўлган фуқаролар эса Олий Мажлисининг Қўнғичлик палатаси ва Сенатига, 35 ёшга тўлган фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Президентлиғига сайланиш ҳуқуқига эгадирлар.

Президент бўлиб сайланиш учун фуқаро Ўзбекистонда камидо охириги 10 йил ичида доимий яшаган бўлиши ва давлат тилини яхши билиши керак. Олий Мажлисининг Қўнғичлик палатаси депутатлиги ва Сенат аъзолиғига сайланиш учун Ўзбекистонда камидо сўнгги беш йилдан буён муҳим яшаётган, қасддан содир этган жиноятлари учун муқаддам судланмаган ёки судланганлиги олиб ташланган бўлиши лозим. Сайланиш ҳуқуқига эга бўлиш учун бошқа шартлар ҳам қўйилиши мумкин.

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГАН БАНКИ
XALQ BANKI

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HANMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz

O'zbekiston havo yo'li
TOSHKENT
XALQARO AEROPORTI

ALOQABANK — aniq, tez, ishonchli!
Tel: 137-23-98, 137-10-20, 134-75-57. Faks: 136-76-22.
WWW.alokabank.uz E-mail: info@alokabank.uz

ОРОЛ БЎЙИДА ҚЎШ ЗАФАР

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Барча агротехника тадбирлари вақтида, сифатли ўтказилди. Уларнинг ижроси доим назоратда турди. Бу — бир омил.

Иккинчи омил — қишлоқ хўжалиги ходимларини моддий-маънавий рағбатлантиришга катта эътибор бердик. Уларни рағбатлантириш жағрафиса ташкил этилди. Дала меҳнатқашарига бугунгача 410 миллион сўмдан орттироқ мукофот пули тарқатилди.

Учинчи омил — уруғликни деҳқондан тортиб агрономга ва хатто ҳокимларгача танладик. Экин майдонларимизнинг 60 фоизига табиий иклимимизга мос «Хоразм — 127» чигит нави экилди. Ҳосил эрта пишиб етилди, теримга


барвақт тушди. Самарасини кўриб турибсиз: Хоразмнинг чўнг хирмони — 275 минг тонна пахта тарозиди.

Эришилган бу ютуқда Янгигазор, Хонқа, Богот, Янгикариқ, Хива, Хазорасп, Шовот туманлари пахтакорларининг муносиб ҳиссалари бор. Масалан, янгигазорликлар маррага вилотда биринчи бўлиб етиб келдилар. Тўла фермерликка ўтган туманининг «Бегиобод», «Дониёр — Расулбек», «Сад Дарга», «Истиклол» каби ўнлаб хўжаликлари гайратшижоати билан 26660 тонна хирмон уйилди.

Еки Ўзбекистон Қаҳрамони Бектурди Жуманиёзов раҳбарлик қилаётган Хива туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигининг 19-бўлимида ҳосилдорлик бу йил 40 центнердан ошиб кетди.

Вилотимизда бу йил рентабеллик 20-25 фоизга етиши кутилмоқда. Даромад эса биргина пахтачиликнинг ўзидан 70 миллиард сўм бўлиши тахмин қилинапти. Шубҳасиз, бу маблағлар хоразмликлар турмуш даражасини оширишга: қишлоқларда табиий газ ва ичимлик суви таъминотининг яхшиланишига, янги-янги корхоналар очилиб, турғун иш ўринлари кўпайишига, мактаблар, коллежлар, академик лицейлар бунёд топишига, мухтасар айтганда, аҳолининг ижтимоий муҳофазаси кўчаитирилишига йўналтирилади.

Давлатимиз раҳбари ўз табригида Орол бўйи — Амударё соҳиллари аҳолисига билдирган ишонч бизни янги-янги ютуқларга чорлаши, шаксиз.



ТЕНГ БЎЛИБ ОЛИШАДИ

Россия ва Хитой chegaradaги ороллари тахминан тенг бўлиб оладиган бўлиши. Россия Ташқи ишлар вазирлиги шу ҳақда «Интерфакс» ахборот агентлигини хабардор қилган. Манбаларда айтилишича, Россия президенти Владимир Путиннинг ХХРга қилган сафари чоғида Москва ва Пекин ўртасида эришилган ахдлашувда бу кўзда тутилган. Бундан аввал «Комсомольская правда» газетаси Путин барча низоли ороллари бутунлай Хитойга тўхфа қилганлиги ҳақда ахборот чоп этганди. Ҳаммаси бўлиб хитойликларга Россиянинг тахминан 337 квадрат километр худуди берилди.

Бироқ ахборот агентлигининг манбаси эришилган ахдлашувлар ороллари худудларининг тахминан тенг ярмидан бўлиниши кўзда тутилганлигини айтган: «Ушбу сафар чоғида эришилган мурося шундан иборатки, илк бор барча ороллари Россия ва Хитой ўртасида тақсимланди. Томонлар ороллари тахминан тенг ярмига бўлиб, чиқиқ ўтказишга ахдлашиб олдилар».

ШИМОЛИЙ ҚУТБГА ЯНА БИР ДАВЪОГАР

«Шимолий қутбга яна бир соҳиб пайдо бўлди», деб ёзди «The Washington Post» газетаси. Гап шундаки, Дания ушбу худудга эгалик ҳуқуқини маълум қилган. Дания томонининг баёноти Канада, Россия ва АКШнинг режаларини бузади, улар ҳам, нашр қайд этишича, Арктика худудларига эга бўлишни кўзлаштиради. Ўз вақтида БМТ комиссияси Россиянинг Арктиканинг бир қисмига бўлган ҳуқуқини тан олиш ҳақидаги талабини рад этганди. Канадага эса қутб соҳиб бўлиш учун юз йил кутасиз, деб маслаҳат берилганди. Боз устига бу ҳам агар бирон-бир мамлакат Шимолий қутб худудига бўлган ўз ҳуқуқини асослаб беролмаган тақдирда руй бериши мумкин. Халқаро ҳамжамият қонунчилигига мувофиқ давлатлар мамлакат ўз мавқени ҳиддий илмий асослаб бериши лозим. «Шимолий қутб Данияники бўлиши учун имконият бор», — деди Дания Вазирлар Маҳкамаси аъзоси Хелг Сандер.

Арктика наинки газ ва нефтининг бой захираларига, балки кема-лар қатновни ривожлантириш учун катта имкониятларга ҳам эгадир. Музларнинг эриши ва ҳароратнинг умумий кўтарилиши, олимларнинг тахминларига кўра, Шимолий Муз океанини Европа, Осиё ва Америка ўртасида серкаторов транспорт йўлига айлантириши мумкин.

НОХОЛИСЛИКДА АЙБЛАДИ

Белорусия Ташқи ишлар вазирлиги Россия телеканалларини нохोलисона ва нодўстона муносабатда бўлганлиқда айблади. Вазирликнинг матбуот котиби Андрей Савиних референдумдан сўнг Минскда руй берган воқеалар Москва журналистига томондан нохोलисон ёритилди, деб таъкидлади. У Беларусия Ташқи ишлар вазирлигининг Россия Ташқи ишлар вазирлигидан нота олганлигини маълум қилди. Ушбу нотада 19 октябрь кўни Россия журналистларининг Беларусия ҳуқуқни ҳимоя қилиш ходимлари томонидан қалтаклангани билан боғлиқ воқеани тушунтириб бериш тақдир қилинган. «Биз Беларусия Ички ишлар вазирлигидан шу хусусда барча тушунтиришни сўрадик, ҳуқуқни ҳимоя қилиш идоралари томонидан вазият синчиқлаб ўрганилади. Шундан сўнг ҳужжатлар Россия Ташқи ишлар вазирлигига юборилди», — деди Савиних.

Маълумки, Россия Ташқи ишлар вазирлиги Россия НТВ ва РенТВ телеканаллари журналистлари билан руй берган воқеа муносабати билан 20 октябрь кўни Беларусия мазмуруларига расмий сўровнома юборганди. Вазирлик ахборот ва матбуот департаментининг хабарига кейинги вақтларда Россиянинг Минскдаги мухбирларига нисбатан бундай хилдаги кўнгилсизликлар биринчи марта бўлмаётганилиги кўрсатиб ўтилган.

Жиноятга жазо муқаррар

Жиноят ишлари бўйича Собир Раҳимов туман суди шу йилнинг ўтган ойларида ЎЗР ЖК 164-168-моддалари билан айбланган бир гуруҳ жиноятчилар устидан қўзғатилган 3 та жиноят ишлари кўриб чиқди. Босқинчилик, ўғирлик ва фирибгарлик йўли билан фуқароларни зор қақша-тиб келган кимсалар устидан алоҳида-алоҳида ҳукм ўқилди.

Суд ҳукмига кўра, Нодир Халилов 7 йил, Даврон Каримов 8 йил қамоқ жазосига тортилди.

гарликдан босқинчилик босқинчилик «кўтарилганлигини» 2004 йилнинг 13 майида бўлиб ўтган суд мажлиси тўла-тўқис иботлади. Чунки у бундан икки йил бурун ЎЗР ЖК 168-моддасида қайд этилган жиноятни содир этиб, томонлар ярашуви муносабати билан жиноий иш харакатдан тугатилган эди. Қисқаси, у бундан хулоса чи-

ҚИНФИР ИШНИНГ УМРИ ҚИСҚА

Кап-катта одамларга ёлгон гапириб, уларни чўв туширишнинг ўзи бўладими? Бу «иш» ҳаммининг ҳам қўлидан келавермайди. Буни фақат пихини ёрган фирибгарларгина удаллаши мумкин.

Нодир Халилов энди 25 ёшга қиряпти. Шу ёшида фирибгарлиқни ўрганиб, «илғор тажриба»ларни ўзлаштиришга қачон улгурдикин?

Алқисса, у 2003 йилнинг августда Қорақамиш 2/3 даҳасидаги 26-коттежнинг 8-хонадонда истиқомат қилувчи Хусан Камоловнинг уйига келиб, ўзини юқори давлат идорасида ишлайман, деб таништирди. Унинг ўғли Х. Камоловни АКШ давлатига ишга юбориши мумкинлигини айтди. Хусан Камолов унинг аслида кимлигини суриштирмай, «чиройли» гапларига лаққа тушади. Углининг паспорти билан 3 миллион 200 минг сўм пулни унга қўшқўлаб тутказди.

Нодир Халилов жиноий ҳаракатларини давом эттиради. У «Марказ-13» даҳасидаги 32-уйнинг 17-хонадонда яшовчи Муҳаббат Бегматованинг уйда бир неча марта меҳмон бўлиб, унинг ишончига қиради. Ўзини юқори идора «вақили» эканлигига шубҳа қолдирмайди. Натихада Муҳаббат Бегматованинг кизи Гуллолани АКШ давлатига танишлари орқали ишга юбориши мумкинлигини айтди. Шунингдек, Гуллолани Тожикистон Республикаси-

нинг Хўжанд давлат университетига ўқиб олган дипломини Ўзбекистонда ўтиши учун нострификация қилиб беришга сўз беради. Натихада ундан 2940 АКШ доллари ва кизи Гуллола Бегматова номига берилган дипломни фирибгарлик йўли билан олиб, жуфтакни ростлайди.

Фирибгарнинг кейинги таниш-билишлариникига ташрифлари ҳам «баракали» бўлади. Тансиқбоев 3-даҳасидаги 1-уйда яшовчи Марҳамат Алимованинг ўғли Мансур Мадрохимовни Тошкент молия институтининг «Банк иши» факультетига ўқишга «киритиб қўйиш» учун 450 минг сўмини олган бўлса, Сағбон кўчаси 10-берк кўча 48-«А» уйда истиқомат қилувчи синфдоши Дилшод Матмуратовни республика Солиқ кўмитасига танишлари орқали ишга киритишга «сўз бериб», ундан 150 минг сўм ундиради. У яна кўплаб кишиларни зор қақшатди. Бироқ, қинғир ишнинг умри қисқа бўлади деганларидек, фирибгар кўлга тушди. ЎЗР ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми «а» бандига асосан озодликдан маҳрум этилди. Аммо, сод-далиқми, гўлликми қилиб фирибгар тузоғига тушганлар ҳам бу воқеалардан хулоса чиқариб олишлари зарур.

Даврон Каримов фириб-

қармади. Яна жиноят содир этди. Шу йилнинг 6 апрели тонготарида содир этган жиноятни эса босқинчилик деб топилди.

Жиноят тафсилоти шундай: ўша кўни у «Қашқар» кафе-сидаси спиртли ичимлик ичиб ширакайф ҳолда бўлади. Атрофга аланглайди. Ёнма-ён столда ўтирган Н.Ҳамдамованинг бўйнидаги тақинчоқнинг ҳаражат кўзи тушиб, калласига шум хаёл келади...

У Ҳамидова билан танишиб олади. Бир пасда гаплари-гапларига «қовушади». Ўзини хотамтой кўрсатиб, кафедраги ҳаражат зўрлик билан тортиб олади. Орадан кўп ўтмай жиноятчи кўлга олинди. Содир этган ушбу жиноят учун Д.Каримов ЎЗР ЖК 164-моддаси 2-қисмига асосан 8 йилга озодликдан маҳрум этилди.

Табиийки, энди у пушаймон бўлади, афсус чекади. Бироқ, энди кеч, жиноий ишга кўл уришдан олдин унинг оқибатини ўйлаш керак эди.

Нажмиддин ШАЙХОВ,
Собир Раҳимов тумани прокурори катта ёрдамчиси.

ТИЛ ВА ДИЛ БАЙРАМИ

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети француз филологияси факультетида ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганлигининг 15 йиллигига бағишланган адабий учрашув бўлиб ўтди. «Жаҳон адабиёти ва адабиёт назарияси» кафедраси ташаббуси билан ўтказилган маъруза тадбирида «Жаҳон адаби-

ёти» журнали ижодий жамоаси ҳамда «Китоб дунёси» газетаси вакиллари иштирок этдилар.

Учрашувда «Жаҳон адабиёти» журнали бош муҳаррири ўринбосари, шоир Мирпўлат Мирзо, журнал масъул котиби Файзи Шохисмоил, «Китоб дунёси» газетаси бош муҳаррири Гулчехра Мухам-

маддон, адабиётшунос олим Орқитқой Абдуллаев, таржумон Амир Файзулло, шоир Гулнора Мухаммадэрова ва бошқалар давлат мақоми олан тилимизнинг бойлиги, ахамияти ва нуфузи ҳақида гапириб, талабаларни қизиқтирган саволларга жавоблар қайтаришди.

Шаҳноза САДУЛЛАЕВА,
Жаҳон тиллари университети талабаси

ХўРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР! Республика Кўчмас мулк биржаси ва «Kimoshdi savdolari agentligi» очиқ аукцион савдоларига тақлиф этади!

2004 йил 25 ноябрь, 2 декабрь кунлари соат 11.00 да республика Кўчмас мулк биржасининг биносида ўтказиладиган аукцион савдосига қўйиладиган объектлар кўйилади:

1. Бўхоро вилояти, Гиждувон туманида жойлашган 9-сонли автомобилларга ёнилғи қўйиш шаҳобчаси.

Бошланғич баҳоси — 15 709,0 АКШ доллари.

2. Бўхоро вилояти, Шохирқон туманида жойлашган 10-сонли автомобилларга ёнилғи қўйиш шаҳобчаси.

Бошланғич баҳоси — 12 512,0 АКШ доллари.

Шунингдек, 2004 йил 28 октябрь, 4 ноябрь кунлари соат 11.00 да республика Кўчмас мулк биржасининг биносида такроран ўтказиладиган аукцион савдосига қўйиладиган объект кўйилади:

1. Наманган вилояти, Наманган шаҳрида жойлашган 9-сонли автомобилларга ёнилғи қўйиш шаҳобчаси.

Бошланғич баҳоси — 15 500,0 АКШ доллари.

Аукцион савдолари бўйича харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 1 соат олдин тўхтатилади.

Савдода қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорда залкалат пули тўлаши шарт.

Чет эл валютасида чиқарилган объект бўйича залкалат пули «Kimoshdi savdolari agentligi»нинг Ўзбекистон Республикаси Уйғайжамгарма банки Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов туман бўлимидаги валюта ҳисоб рақамига: 20208840204265383001, КОД-00901, СТИР 204563716, SWIFT: UZHO22 ўтказилади.

ХўРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР! ИМКОНИЯТИНГИЗНИ БОЙ БЕРМАН!

Кўшимча маълумотлар учун республика Кўчмас мулк биржаси ва «Kimoshdi savdolari agentligi»-га мурожаат қилишингиз мумкин.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани, Қора-Қамиш 2/4 даҳаси, М.Ўразбобоев кўчаси, 1-«А»-уй, республика Кўчмас мулк биржаси биноси, 2-қават, 2-хона.

Маълумот учун телефонлар: 136-15-28, 136-26-26.

Лицензия рақами 000004

Иқтисодиёт ва ислоҳот

Кейинги йилларда мамлакатимизда барча транспорт турларининг юк ва йўловчилар ташвиш самардорлигини ошириш, транспорт коммуникацияларини жадал ривожлантириш, бу соҳасидаги халқаро ҳамкорликни кенгайтириш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистоннинг темир йўл транспорти ҳам тобора ривожланиб бормоқда.

Маълумки, темир йўл транспорти — барча мамлакатлар иқтисодиётининг асосий алоқа воситаси ҳисобланади. Жўроғий жиҳатдан денгиз йўллари билан бирмунча узоқда жойлашган Ўзбекистонда у айниқса, катта аҳамият касб этади. Чунки айнан шу темир йўллар юртимизни жаҳон

да кўрилайётган самарали чора-тадбирларда Ўзбекистоннинг роли ортиб бораётганлигининг эътирофи бўлди. Ўзбекистон Президентининг мажлис қатнашчиларига йўллаган табригида қўйиладиган сатрлар бор:

«Маълумки, Марказий Осиёда мумкин геостратегик ўрин эгаллаган бизнинг мамлакатимиз худуди ор-

си таркибидаги «Ўзтемирйўл» бўлими» очиқ акциядорлик жамияти ҳам халқаро алоқаларни янада мустақамлаш учун астойдил ҳаракат қилаётди.

Ўзбекистон пойтахтининг Россия Федерацияси билан алоқаларини таъминловчи Тошкент — Москва — Тошкент йўналиши бўйича катновчи тезораз 5/6 поезди ҳам ана шундай савобли ишни бажармоқда. Аввалам-

кунли ўт ўчиргич воситалари жойлаштирилди. Бундан ташқари йўловчи составларига ённинг қарши қўлланмалар, эслатмалар тарқатилган. Асосийси вагонларга сув гламлаб қўйилади. Ҳар бир купега радиоприёмник ўрнатилган. Йўлақлар ва купеларга гилам поёндозлари ёзилган.

— Биласизми, — дейди **поезд бошлиғи Тошкентбой Хўжааҳмедов**, — ушбу

йўловчиларга кўрсатилган сифатли хизмат ҳисобга олинади. Тажрибали вагон кузатувчилардан Қўчқор Мухамедов, Тоҳир ва Алишер Почахонов, Мухаммад Отахонов, Нуриддин Хўжааҳмедов, Лилия Замалидинова, пирд йўналиши механиги Мирғиёс Турсунов, бригада бошлиғи ўринбосари Мирақмал Мираҳмедов ва бошқалар ўз касбининг устаси ҳисобланадилар.



«ЎЗБЕКИСТОН» ПОЕЗДИ ЙЎЛОВЧИЛАР ХИЗМАТИДА



билан боғлайди.

Бу ҳақда шу йилнинг ёз фаслида Тошкентдаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида бўлиб ўтган ҳамдўстликка аъзо давлатларнинг темир йўл транспорти бўйича 38-мажлисида ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилди. Нуфузли ташкилот анжуманини Тошкентда ўтказиш ҳақидаги қарор ҳамдўстлик давлатлари иқтисодий ҳамкорлигини, Евроосий темир йўл ташкилотлари алоқаларини мустақамлашда, жаҳон транспорт тармоғига янада интеграллашув йўли-

қали қадим замонлардан Буюк Ипақ йўли ўтган, бу ерда кўпдан-кўп савдо йўллари туташган ва бу жаҳон халқлари маданиятларининг жадал суратларда бир-бирини ўзаро бойитишга хизмат қилган. Бугунги кунда ҳам Шарқдан Фарбга, Жанубдан Шимолга олиб борадиган транспорт магистраллари шу ерда кесишди».

Ҳамдўстлик темир йўллари улукиси алоқа тизимидир. Бинобарин, «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик темир йўл компания-

бор шуни айтиш керакки, ушбу поезддаги жами 16 вагон ўта замонавийлиги билан ажралиб туради. Бу вагонлар икки йил аввал Германиядан келтирилган эди. Йўловчилар учун барча қўлайликлар яратилган. Юмшоққина ўриндиқлар маъжуд. Йўловчилар ёзининг қўлайликлар ҳам димиқиб кетмайдилар. Қишда эса иссиқлик узатилади.

Йўловчи транспортда энг аввало поездларнинг хавфсиз ҳаракатланишини таъминлаш ва одамларнинг ўз манзилига эсон-омон етиб боришига эришиш мумкин ўрин тутди. Шу боис поезди йўлга тайёрлаш борасида мумкин чора-тадбирлар амалга оширилади. Меҳнатни муҳофазат қилиш ва техника хавфсизлиги бўйича вагон кузатувчилари ва йўловчилар ўртасида тушунтуриш ишлари олиб борилади. Ённинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида вагонларга кимёвий ва ку-

поездимизнинг номланиши «Ўзбекистон»дир. Демак, бу бизнинг мамлакатимиз рамзи. Шу боис 3 мамлакат — Ўзбекистон, Қозоғистон ва Россия худудидан штов билан ўтадиган поездимиз барчага ўрناق бўлиши керак. Шу важдан йўловчиларга янада кўпроқ қўлайликлар яратилмоқда. Айтилик, Тошкент — Москва — Тошкент халқаро йўналиши бўйича қатновчи поездимизда ўтган йилнинг август ойида чипта нархлари 20 фоизга арзонлаштирилди. Маълумки, корхона-мизнинг асосий шим фаолияти йўловчиларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлганлиги сабабли бизнинг муваффақиятимиз одатда инсофли ва ҳалол, ўз ишининг устаси бўлиши кадрларга боғлиқ. Меҳнат интизомига қатъий риоя қилиш жамоаси аъзоларининг широгига айланган. Чунки бизнинг меҳнатимизга баҳо бериш пайтида



Ушбу поездда фақатгина МДХ давлатлари фуқаролари эмас, балки узоқ хоржидан келган меҳмонлар ҳам саёбат қиладилар. Москва-нинг Қозон вокзалидан Тошкентга қайтар эканми вагон ресторанида ана шундайлардан бири билан таржумон орқали сўбатлашдик: — Мен асли Монреалданман, — дейди **канадалик Гарри Эспозито**. — Турмуш ўртоғим Линда билан саёбатга чиққандик. Москванинг томоша қилдик. Бизга айтишдики, Ўзбекистоннинг

Хазиевалар билан танишиб олдик. Улар биздан доим хабар олиб туришди. Биз шу ерда биринчи бор ўзбек миллий таомларини татиб кўрдик. Палов, манти, лағмонларнинг мазаси осизимизда қолди.

Анджонлик йўловчи **Баходиржон Ваҳобов** бундай дейди:

— Бундан бир ой аввал худди шу поездда Москвага борган эдим. Яна шу поездда қайтаман. Вагон кузатувчиларининг хушмуомалиги, бу ерда йўловчиларга яратилган қўлай шароитлар туфайли айнан шу поездда қайтишга қарор қилдим.

Бирни кўриб шуқур қил, мингга кўриб фикр қил, деган гап бор халқимизда. Поездимиз штов билан манзил томон ошиқар экан айрим катта-кичик станцияларда тўхтаб ўтарди. Ана шундай пайларда бошқа поездларни ҳам кузатишимизга тўри келди. Поездимизни атрофдаги вагонлар билан солиштирар эканмиз киши қалбини беихтиёр фаҳр-ифтихор туйғулари эгаллайди. Негаки, бизнинг поездимиз Бишкек — Москва, Челябинск — Москва, Уфа — Москва сингари поездлардан

замонавийроқ ва гўзалроқ экан. Яна бир гап. Ҳамонки, поездимиз 3 давлат оша одимлар экан, табиийки, ҳар бир мамлакат чегарасида текширувлар бўлади. Лекин худди шу текширувлар пайтида айрим йўловчиларнинг асабийлашиши ҳам бор гап.

Лекин, 5/6 тезораз поездининг хизматчи вагон кузатувчилари хушмуомалиги турли асабийликларни тезда тарқатиб юборди.

... Поезд ҳамон олға интилади. Йўловчиларуни ўз вақтида манзилига бешиқат етказди. Мамлакатимизнинг қўшни давлатлар билан алоқаси, борди-келди си янада мустақамланади. Бу поездининг номи «Ўзбекистон!»

Шоҳйод МИРҲАБИВОВ,
МИРҲАБИВОВ МИРҲАБИВОВ,
«Ўзбекистон овози» маъхус мухбирлари

Суратлар: «Ўзбекистон» поезди муҳандиси ва хизматчиларининг фаолиятини лавазлар. **Суратлар:** муаллифлар олган.

Шеър ва шуур

Кўчқор НОРҚОБИЛ

Спорт шарҳловчилари диққатига!

ЙИҚИЛАДИ БОҒЛАРГА ОҚШОМ

«КУЗ ЧИЗГАН СУВРАТЛАР» (Туркумдан)

1. Тонг уйғони. Боғларда сехр — оғилларнинг барги шуларанг. Хазонрезлик — Куз босган муҳр. Эх, уларнинг гарди тилларанг. Боғда шароб ҳиди уфирар, Войишда ток турар майишиб. Шамол менга ўзини урар — Эрталабдан олган май ичиб. Тўрт тарафим мукамал. Тизиз вақт измида мангу тасаввур. Хайратини тоширади Куз — тирик суврат чизган мусаввир. Худойим-а, бу қандай ижод? Куз очгандай бўлди кўзимди. Рангларидан тўкилади фарёд Мен ортиқча сездим ўзимни... Қай япроқни қўлимга олсам, Аён бўлар мен айтмаган сўз. Сувартигда майлими қолсам, Сенга халал бермайми, куз?

Айт, қаерга кўй жонимни?! 3. Боғлар ичра бошқоронгу куз, Хасратини тингла сунбула. Қабоқлари қора тортган қиз — Куз кўнглидан қайгу тўкилар. Асаб каби тортилган тарапг Мезонлардай титрайди бағир. Куз бир кўпга чидайди аранг, Қачон ёлғир ёғида, ёлғир? Кезинсан боғларда маънос, Хазонрезлик — умр. Интиқо. Уфқ сари кетади бехис Севи сени қолдириб таңқо. Умр ўтди — узар Хотир, Хайтимга айланди бир сўз —

Юрагимда қолган хавотир, Қачон мени севган эдинг куз?! 4. Боғларни куз кезади — титроқ, Елкасида кўчи-кўрони. Илдизидан узилган япроқ Титроғида кўрдим дунёни. Хаволарда тортилган мезон — Хотир бизни қилади адо. Бошимизда айланган хазон — Юрагимдан тўкилган видо. Куз оқшоми... Нима ҳам дейин. Ана боғлар! Эзгин-эзгин сўз! Кўзларингга термулган сайин, Кўз ўнгимда гулалити Куз...



18 ЁШГАЧА ГРОССМЕЙСТЕР БЎЛГАНЛАР БЕШ КИШИ ЭМАС!

Иктидорли шохмотчимиз Рустам Қосимжонов Триполида ўтган жаҳон чемпионатида халқимизнинг интеллектуал салоҳиятини бутун дунёга намойиш этди. Ҳақиқатда чемпионатда Рустамнинг таъбири билан айтадими, ўзбекистон чемпиони бўлди, жаҳон шохмот тожи бутун ўзбек халқига насиб этди. Бу оламшумул ғалабага бағишлаб матбуотимизда кўплаб материаллар эълон қилинди. Айрим газеталарда эса қатордан қолмаслик учун қораланган ёки бошқа газеталардаги мақолалардан кўр-кўрона кўчирилган материаллар ҳам чоп этилди. Албатта, эндигина шохмот ҳақида ёзаётган муаллифлар кўпол хатоликларга йўл қўйишди. Айрим газеталарда учраган хатолардан бири шундай ифодаланган: «Рустам Қосимжонов 18 ёшида гроссмейстер бўлди. Жаҳонда беш киши 18 ёшга гроссмейстер унвонини олган». Афсуски, бундай хато матбуотимизда етти йилдан буюн чоп этиб келинган. Ҳўш, бу хатolik қандай юзага чиқди? Маълумки, Рустам 1997 йилнинг 23 май куни

экан, 18 ёшида гроссмейстер бўлган Рустам Қосимжонов беш киши эмас, ақсикорлардан бири деб эътибордан кўра, ҳозирги кунда у дунёдаги 128 нафар сара шохмотчининг зўри дейиш-тўғрироқ эмасми? Триполидаги жаҳон чемпионатида Рустам кўли шохмотчи эканлигини исботлади-ку! Ёки Рустам Қосимжонов расман тан олинган 17 нафар жаҳон чемпионида бири, дейиш айти ҳақиқатдир. Оммавий ахборот воситаларида чалқаш фикрлар бўлмасин, деган ниятда юқорида кайд этилган хатога эътиборингизни қаратдик. Ҳа-таки, Рустам Қосимжонов 2005 йилнинг бошида Халқаро шохмот федерацияси ташкил этган бир-лаштирувчи мусобақанинг дастлабки босқичида Г.Каспаровга қарши ўйнади. Демакки, шохмот ҳақидаги материаллар матбуотимизда яна кўлади. Истардикки, фузули мусобақага нафақат гроссмейстерлар, балки шу мусобақани ёритишга чоғланган журналистлар ҳам ҳозирдан тайёргарлик кўришлари керак. Шунда шохмот ҳақида берилган материалларда оддий хатолар учрамайди. Асрор МҮМИН, журналист

ҚОСИМЖОНОВ — КАСПАРОВ?..

швейцариянинг Бриссаго шаҳрида бир неча кун давом этган қизиқарли шохмот баҳси ниҳоясига етди. Россиялик Владимир Крамник венгер Петер Лeko билан учрашувда жаҳон чемпиони унвонини сақлаб қолди. Қизиғи шундаки, ҳар иккала шохмотчининг рейтинглари деярли тенг деса ҳам бўларди. Крамникда 2760, Лekoда эса 2743 рақами кайд қилинган. Шунинг учунми, кўпчилик учрашув дуранларга бой бўлади деб кутган-ди. Лекин Крамник биринчи партиядек ғалабага эришди. Бешинчи партиядек Леконинг омади чопди. Шу тариха томонлар устуворликка эришиш учун ўз маҳоратларини ишга солишди. Яқунловчи 14-партия олдидан Лeko 7:6 ҳисобида олдидан борарди. Бундай шароитда Крамник учун фақат ғалаба зарур эди. Акс ҳолда... Хайтовур сўнги партиядек оқ доналар билан ўйнаган чемпионнинг омади кел-

«YANGIOBOD IXTISOSLASHGAN BOZORI» очик акциядорлик жамияти акциядорлари диққатига! Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий мажлиси 2004 йил 3 ноябрь куни соат 11:00 да жамият маъмурий биносида бўлиб ўтади. Мажлис кун тартиби: 1. Жамият Кузатув кенгаши таркибига ўзгартириш киритиш ҳақида. 2. 2003 йил молиявий-ҳўжалик ҳисоботи яқуни бўйича жамият балансини қайта тасдиқлаш. 3. 2003 йил молиявий-ҳўжалик ҳисоботи яқуни бўйича даромадларни тақсимлаш ва дивидендлар миқдори ҳамда уни бериш тартибини қайта тақсимлаш. 4. 2004 йил фаолияти учун жамият аудиторини сайлаш. 5. Тафтиш комиссияси таркибига ўзгартириш киритиш ҳақида. 6. Жамият мулкчилик шаклини ўзгартириш ҳақида. 7. Жамият Низомига ўзгартириш киритиш ҳақида. Акциядорларни рўйхатга олиш 2004 йил 3 ноябрь куни соат 10:00 да бошланади. Акциядорлар рўйхати 2004 йил 17 октябрь ҳолатига тузилган. КУЗАТУВ КЕНГАШИ

ЙЎЛОВЧИЛАР ВА ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА! Юк ва йўловчиларни ташиш жароёнини яхшилаш, поездлар ҳаракати хавфсизлигини янада ошириш, аҳолининг темир йўл ташиувлари хизматларига бўлган эҳтиёжлари ва шикоятларини ўрганиш бўйича маркетинг тадқиқотларини кенгайтириш мақсадида 2004 йил 22 октябрдан «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг ишонч телефони хизмати иш бошлади. Истак ва таклифларингизни ҳар кун соат 8:00 дан 20:00 гача қуйидаги телефонлар орқали маълум қилишингизни сўраймиз: 132-10-76, 199-75-57. Темир йўл: 3-75-57.

«ПАХТА БАНК» замонавий сўм пластик карточкаларидан фойдаланинг! 1. «Пахта Банк» сўм пластик карточкаси — бу Сизнинг ҳамёнингиздир. Республикамининг исталган манзилига шу биргина пластик карточка билан бориб келиш имкониятингиз мавжуд. 2. «Пахта Банк» сўм пластик карточка эгалари учун карточкадаги қолдиқ суммага ҳар ойда 2,5 устама фоиз, ойма-ой капитализация ҳисобига эса йиллик 34,5 фоиз устама даромад ҳисобланади. 3. Сўм пластик карточкасига эга бўлиш учун шахсингизни тасдиқловчи ҳужжат ҳамда банк бошқарувчиси номига ариза билан мурожаат қилсангиз кифоя. Банк маъмурияти Сизнинг ушбу аризангизга асосан 15 дақиқа ичида пластик карточкангизни расмийлаштириб беради. 4. Пластик карточкадан фойдаланиш учун Сиз ўзингиз танлаган ва пластик карт хотирасига киритилган паролдан фойдаланасиз, натижада ўзга шахсларнинг пластик карточкангиздан фойдаланиш эҳтимоли батамом йўқолади. 5. Республика микёсида дўконларга ва савдо хизмат кўрсатиш шахобчаларига ўрнатилган терминаллар ёрдамида нақд пулсиз тўловларни амалга ошириш имконига эга бўласиз. 6. «Пахта Банк» сўм пластик карточкаси орқали нақд пулсиз равишда коммунал хизматлар учун ҳисоб-китоб қилишингиз мумкин. 7. Шартнома асосида таълим олаётган талабаларнинг контракт тўловларини пластик карточка орқали нақд пулсиз амалга оширишингиз мумкин. 8. Метрополитендан фойдаланиш мақсадида йўл кира қўқани пластик карточка орқали тўлашингиз мумкин.

Хўрматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар! «ТОШКЕНТ ШАҲАР МУНИЦИПАЛ БИРЖА МАРКАЗИ» Сизларни биржа савдоларига таклиф этади БИРЖА САВДОЛАРИГА ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР ҚЎЙИЛГАН: □ Тошкент шаҳар, А.Икромов тумани, 24 Закария Розий 1 тор кўчасида жойлашган, майдони 8730 кв.метр бўлган, «ТИКУВ ЦЕХИ» (себик «Чевар» фабрикаси), бошлангич нархи — 450 000 000 сўм; □ Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Муборак Турсунхўжаев 2-берк кўчаси, 25-уй манзилида (мўлжал: «Чилонзор буюм бозори» (себик «Отчопар» бозори) қаршида) жойлашган, ҳовлиси майдони 600 кв.метр (6 сотих), қурилиш майдони 198,2 кв.метр бўлган, 12 хонадан ташкил топган, ҲОВЛИ-ЖОЙ (ертуласи билан), бошлангич баҳоси — 70 000 000 сўм; □ Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Марказ-15 даҳаси, 13-уй, 74-хонадон манзилида жойлашган, умумий майдони 54,9 кв.метр, фойдали майдони 30,94 кв.метр бўлган, 2-ХОНАЛИ ХОНАДОН (ЕВРОТАЪМИР), бошлангич баҳоси — 20 000 000 сўм; □ Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Жангоҳ кўчаси, 13-уй, 75-76-хонадонлар манзилида жойлашган, умумий майдони 110,48 кв.метр, фойдали майдони 54,18 кв.метр бўлган, 4-ХОНАЛИ ХОНАДОН (2 ТА ИККИ ХОНАЛИ, ЕВРОТАЪМИР), бошлангич баҳоси — 30 000 000 сўм. Биржа савдоларининг савдо сессиялари ҳафтанинг ҳар иш куниди соат 11:00 дан 12:00 гача ҳамда 16:00 дан 17:00 гача «Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази»да бўлиб ўтади. Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 16а-уй. Телефонлар: 133-46-61, 132-25-51, факс: 133-20-74. www.tshmbm.uz; Эл.почта: Birja@mail.tps.uz ва info@tshmbm.uz

Table with multiple sections: BOSH MUHARRIR: Safar OSTONOV; TAHRIR HAY'ATI: Abdulla ORIPOV, Asliddin RUSTAMOV, Ashur QODIROV, Bobir ALIMOV, Habib SA'DULLA, Norbobo SHAKAROV; MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZI KENGASHI; BO' LIMLAR: Siyosat, partiya va xalqaro hayot; VILOYAT MUXBIRLARI: Andijonda, Buxoroda, Gulistonda, Jizzaxda, Navoiyda, Namanganda, Nukusda, Samarqandda, Urganchda, Farg'onada, Termizda; MANZILIMIZ: 700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.